


Шайх Муҳаммад Холид Хорса ҳамда шайх Аҳмад Муҳаммад Фодил ҳазратлари Тошкентдаги зиёратгоҳларга ташриф буюришди



19:30 / 11.06.2022 1930

Аввал хабар қилганимиздек, диёримизнинг машҳур шайхлари, доктор Муҳаммад Холид Хорса ҳамда доктор Аҳмад Муҳаммад Фодил ҳазратларининг юртимиз бўйлаб зиёратлари давом этмоқда.

Бугун меҳмонлар Тошкент шаҳрига ташриф буюриб, зиёратларини Қорасарой кўчасининг Ҳасти Имом (Ҳазрати Имом) мажмуасидан бошладилар ва у ердаги музей-кутубхонада сақланаётган Усмон Мусҳафини кўздан кечирдилар.

Уламоларнинг кейинги ташрифлари Имом Бухорий номидаги Тошкент Исломи институтини бўлди. Шайх Муҳаммад Халид Хорса ҳамда шайх Аҳмад Муҳаммад Фодил ҳазратларининг ташрифлари ўқув юрти мударрислари ва талабаларни хушнуд этиб, улар билан илмий-маърифий суҳбатлар ўтказдилар. Суҳбатда илм-толибларига талаби илм борасида қимматли маслаҳатлар ҳамда кўрсатмалар берилди. Учрашув сўнгида барча устоз ва талабалар ҳақида хайрли дуолар қилинди.

Сўнгра уламолар «Hilol-Nashr» нашриётининг босмахонасига ташриф буюриб, у ердаги ишлар билан яқиндан танишиб чиқдилар. Хабарингиз бор, бугун, 2022 йил, 11 июнь куни Мусҳафнинг навбатдаги нашри сотувга чиқарилди. Шу муносабат билан азиз меҳмонларимиз нашриётнинг бош дўконига келдилар. Улар нашриёт дўконига фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг илмий мерослари билан танишиб, Мусҳафнинг янги нашри халқимизга хайрли ва баракотли бўлишини тилаб дуолар қилдилар.

Сўнгра уламолар «Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжидида пешин намозини адо этиб, Қуръони Карим тиловатидан сўнг, жамоат билан бирга муборак дуолар қилдилар.